

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 6 (1070) • 2016-yil, 5-fevral, juma

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 4 февраль куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад — сизлар билан кўришиб, хол-аҳолингиздан хабардор бўлиш, ўз ечимини кутиб турган муаммолар, кийинчиликлар ҳақида фикр алмашиш ва олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқлаб олишдан иборат. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масаласини кўриб чиқсак, айтиш мумкин, булар эди, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Ҳаммаимизга яхши маълум, Тошкент вилояти катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга бўлган марказий вилоят сифатида Ўзбекистонимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келади.

Шу борада айрим мисолларни олиб келадиган бўлсак, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодий тизимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, яъни ички маҳсулотимизнинг эса 9,7 фоизи айтиш шу вилоят ҳиссасига тўғри келишининг ўзи кўп нарсдан далolat беради.

Бу заминда жойлашган Ўзбекистон металлургия компанияси, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, дунёга машҳур "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрэн ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари республикамиз иқтисодийнинг локомотивлари, десак, адашмаган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу корхоналар юртимиз бойлигига бойлик қўшаётган, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида кўзга кўринган ишлаб чиқариш мажмуалари ҳисобланади.

Айни вақтда Тошкент воҳасининг энг катта бойлиги — бу авваломбор кўпни кўрган, ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келадиган ишчи ва муҳандислар, фермерлар, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, азму ши-жоатли ёшларимиз, бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўп миллатли, меҳнаткаш ва бағрикенг халқидир, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз юртига меҳр ва садоқат билан яшаётган бу элнинг муносиб фарзандлари, уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз, жамиятимиз томонидан юксак баҳолашиб келинаётгани сизларга яхши аён, албатта. Фақат кейинги уч йилда Тошкент вилояти бўйича 100 нафарга яқин ана шундай инсонлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани мисолида бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Барчамизга маълумки, Тошкент вилояти — оддий вилоят эмас, у авваломбор пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқени эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлук, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Шу нуктаи назардан қараганда, Тошкент вилоятида ҳали-бери ечилмаган кўпгина муаммолар, қанча-қанча муҳим вазифалар олдимизда тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деди Ислон Каримов.

Бу воҳадаги ер ости ва ер усти бойликларидан тўла ва оқилона фойдаланиш, уларни аввало шу гўзал, бетакрор заминда яшаётган одамлар, бундан халқимиз манфаатлари йўлида ишлаб, фаолиятимизни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш, вилоятнинг узоқ ва давомли режаларини амалга ошириш учун бу йўлда учрайдиган турли қийинчиликларни олдидан кўриб, уларни бартараф этишга тайёр бўлишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, нафақат бугунги, балки эртанги кун ҳақида бош қотириш, халқимизни, жамоатчиликни айтиш шу мақсадларга сафарбар этиш барчамизнинг, биринчи навбатда, ўзини раҳбар деган, одамлар унга ишонч билдир-

ган шахсларнинг асосий бурчи, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикрга қўшилсангиз, деди Президентимиз.

Сизларга яхши маълум, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда ўтган йилда эришган натижаларимиз атрофлича муҳокама қилиниб, жорий йил ва истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларимиз аниқлаб олинди. Хусусан, 2030 йилгача мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг камида 2 баробар ошириб, унинг таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказишни биз ўзимиз учун стратегик вазифа сифатида белгилаб олдик, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бундай улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш ҳақида сўз юритар эканимиз, шу борада ҳаётимизни ҳар томонлама янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган дастурларни жорий этиш учун қай даражада етарли замин яратганимиз, жумладан, 2015 йилда Тошкент вилоятида эришган марраларимиз ҳақида тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади.

Бу ҳақида сўз борар экан, аввало, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 13 фоиздан зиёд ўсгани, экспорт бўйича прогноз кўрсаткичи бажарилганини таъкидлаш лозим.

Тошкент вилоятининг саноат соҳасидаги салоҳиятини изчил ривожлантириш дастурига асосан кейинги уч йилда 1 минг 50 та лойиҳа амалга оширилди. Шу аснода 2 триллион 700 миллиард сўм ва 532 миллион доллар миқдорда инвестициялар ўзлаштирилиб, 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани биз учун аниққиса муҳимдир. Шулар қаторида Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, табиий газни икки баробар кам сарфлайдиган бугунги кунги қурилмаси барпо этилганини қайд этиш зарур.



Замонавий гимнастика зали

➤ Болалар спорти

Қарши шахридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида гимнастика спорт зали иш бошлади.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда навқирон авлоднинг жиҳмон ва маънан баркамол вояга етиши учун кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этишида юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида қурилган ишлотининг 56х28 метр ўлчамдаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарь вилояти филиали раҳбари Сирожиддин Азизов. — Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда қад ростлагани ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланув-

чи қизлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Агар 2004 йилда бундай қизлар бор-йўғи 45 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 3 минг 600 дан ортиқ қиз ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Луиза Ғаниева, Азиззоҳ Мирзаева, Шоҳсанам Нор-мўминова, Муфина Камолова, Дилмира Ашурова, Севинчбону Омонова, Моҳинур Эшпўлатова каби бадий гимнастикачи қизларимиз халқро тур-нирларда Ватанимиз шарафи-



и муносиб ҳимоя қилмоқда. Бундай муҳташам ва замонавий бадий гимнастика залининг фойдаланишига топирилиши ушбу спорт турига қизиқшини янада ошириши ва яна кўпгина маҳоратли гимнастикачи қизлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

Тадбирда Қашқадарь вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

У.БАРОТОВ,
ЎЗАМ мухбири
Ж.Норқобилов (ЎЗА) олган суратлар

➤ Сарҳисоб

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими фаолиятини янги босқичга кўтарди. Бунинг бевоқиф олий давлат ҳокимият вакиллик органи бўлган Олий Мажлиснинг роли ошганида, ҳудудларда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилганида кўриш мумкин.

Ҳисобдорлик тамойили

демократик ислохотларнинг муҳим шартидир

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши тўғрисидаги норма киритилган эди. 2015 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун 25-модда билан тўлдирилиб, халқ депутатлари Кенгашларида тегишли ҳокимларнинг ҳисоботини эшитиш билан барча процессуал босқичлар тартибга солинди. Ушбу ҳисобот йиғилишида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам иштирок этиш белгиланди.

Мазкур қонуннинг эътиборли томони шундаки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш натижалари билан бевоқиф танишиш имкониятига эга бўлди. Бошқача айтганда, тегишли сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни билиб турган ҳолда, уни қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда қўллаш имконияти яратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар Кенгашларининг жорий йилнинг январь ойидаги сессияларида қонунчиликдаги мазкур янги қонун асосида тақдим қилинган ҳисоботлар муҳокама этилди.

"Бир лаҳза бўлсин халқ ғаму ташвишидан ажралмадим..."

➤ Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

Темурий шахзодалар ўртасида кечган тожтахт учун курашларда Султон Ҳусайн Мирзонинг қўли баланд келиб, 1469 йил бошида у Ҳирот тахтини эгаллади.

Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий мактабда бирга ўқиган, Абдулқосим Бобур саройида биргаликда хизмат қилган кадрон дўст эди. Улар бир-бири билан: "Қачонки бахт бизга қулиб боқса, дўстлигимизга содиқ қолиб, ўзаро ҳамкор бўламиз", — дея аҳду паймон қилишган эди. Ана шу ваъдага мувофиқ, Ҳусайн Бойқаро Самарқандга — дўсти Алишер Навоийга маҳсус мактуб йўллаб, уни Ҳиротга — сарой хизматига даъват этди. Навоий тезлик билан она шаҳри Ҳиротга етиб келди.

Султон Ҳусайн Навоийни муҳрдорлик лавозимига тайинлади. Муҳрдорлик муҳим лавозим эди. Давлатнинг барча ҳужжатлари муҳрдор орқали расмийлаштирилди. То Наво-



ий имзо қўйиб, муҳр босмагунча ҳеч бир ҳужжат қонуний қучга кирмас эди. Шоир шу ваъдага туриб, Хуросон давлатини мустахкамлаш, мамлакатни адолатли бошқариш, элу юрт манфаатлари йўлида хайрли ишларни амалга ошириш, илм-фан, касбу кор ва ҳунарларни ривожлантиришда подшоҳга яқиндан ёрдам берди. Шу тарих халқ орасида Навоийнинг обрўи тобора орта борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

С.С.АБДУЛЛАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Содиқ Собитович Абдуллаев Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Т.УСМОНОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 февраль

Давоми 2-бетда

Ҳисобдорлик тамойили

демократик ислохотларнинг муҳим шартидир

Давом. Бошланғич 1-бетда

Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:



— Қонунчилигимизга киритилган маъмур йиғилишларга мувофиқ, илк мартаба вилоят ҳокимларининг тегишли маҳаллий вакиллик органига ҳисобот тақдим қилиши депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Маъмур амалиётга мувофиқ, Қарши шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиевнинг ҳисоботи эшитилди. Унда таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ҳамда чуқур таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича қабул қилинган дастурнинг изчил ҳамда тизимли амалга оширилиши натижасида ҳудуд иқтисодиёти барқарор сурат билан ўсishi ва макроиқтисодий мувозанатга эришилди.

Тахлилларга кўра, кейинги беш йилда, яъни 2010 йилга нисбатан таққослаганда, 2015 йилда вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми қарийб 2,2 ба-

рбарга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,3 барбарга ошди. 2015 йилда вилоят иқтисодиётига 5 триллион 224 миллиард сўм ҳамда 320 миллион долларлик хорижий инвестициялар жалб этилди. Ёки бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан қарийб 2 барбар кўп йўналишларида. Маъмур инвестициялар ҳисобига 4 мундан зиёд объектлар ва лойиҳалар ишга туширилди. Жумладан, инвестицияларнинг 70 фоизи беvosита ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, 325 та янги sanoat корхоналарини фойдаланишга топшириш ҳамда 213 та корхонада модернизация ишларини амалга ошириш имконини берди.

Ҳоким ҳисоботини тинглаш асосида сайловолди дастурий максал-вазифаларимиздан келиб чиқиб, партиямиз депутатлик корпуси 2015 йилда ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривож-

лантириш дастурларининг ижроси ҳамда иқтисодий соҳага ажратилган маблағлар асосида амалга оширилган ишларга асосий эътиборни қаратди.

Ҳисоботда ўтган йил вилоятда барча дастурларга асосан 144 километр ичимлик суви ҳамда 32 километр оқова сув тармоқлари тортилиб, натижада 55 мундан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланиши, 205 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 56 километр халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари, 5 та янги кўприк қурилди, 173 та қишлоқда 120 километр ички йўллар таъмирлангани айтиб ўтилди. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши давом эттирилиб, шипма ва кулай бўлган 1320 та уй-жойлар ўз эгаларига топширилган. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш ҳамда электротартиб манфаатларини таъминлаш ҳамда муҳим омил бўлиб хизмат қилгани билан аҳимиятлидир.

Партиямиз дастурий вазифаларидан яна бири — бу биз учун бебаҳо бўлган инсон саломамлигини, жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам вилоятда кўплай хайрли ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган йилда Қарши, Ғузор, Миршикор, Нишон ва Яққабов туманларининг тиббиёт бирлашмалари ҳамда Қарши шаҳридаги вилоят бо-

лалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реконструкция қилинган.

Сессия ишида бу каби ютуқ ва ижобий натижалар эътироф этилиши баробарида ҳудудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш борасида эътибордан четда қолаётган айрим масалалар ҳам тилга олинди. Бу борада олдинда турган вазифалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ўз навбатида, ушбу йўналишда халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари ва депутатлар фаоллигини кучайтириш, бу жаҳада сиёсий партиялар депутат гуруҳлари иштирокини янада кенгайтириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Инвестиция, ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда партия гуруҳларининг ўрни янада ошириш, депутатлик ва жамоатчилик назорати каби механизмлардан янада самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.


Шунингдек, ҳисоботда вилоятда 2016 йилда иқтисодий соҳада амалга оширилган ишлар кўлами тўғрисида ҳам сўз юритилди. Хусусан, 2016 йилда вилоятда 178 та иқтисодий инфратузилма объектлари, жумладан, 8 та касб-хунар коллежи, 43 та умумтаълим мактаби, 12 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 29 та болалар спорти

объектини қуриш, миллий автомагистрал таркибига кирувчи 101 километр ва 125 километр ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш, электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича 460 километр тармоқларни тортиш ҳамда 15 донга трансформатор пунктларини реконструкция қилиш ва яна қатор ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, партиямиз дастурига мос равишда иқтисодиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳуқуқ» тизими яратилишини туман жадалаштириш йўналишида вилоятда 2016 йилда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив хизматлар сонини ошириш ишларини жадалаштириш, 150 километр оптик толали алоқа линияси тортиш, кенг полвосали хизматларни кўрсатувчи қурилмалар сонини 7192 портга кенгайтириш, мобил алоқа тармоқлари камровини янада кенгайтириш мақсадида 60 та база станцияларни ўрнатилган ишлар амалга оширилиши ҳам депутатлар томонидан кизгин қўлаб-қувватланди.

Албатта, ушбу вазифалар ижросини таъминлаш биз, депутатлар корпуси зиммасига ҳам қатъи маъсуллик юклайди. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизнинг кейинги йўналишларини белгилаб олдик.

Олимжон МАҚСУДОВ,
халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари:



— Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисобот маърузасида 2015 йил якунлари батафсил таҳлил қилинди.

Ўтган йил мобайнида иқтисодиётнинг барча йўналишларида изчил ўсиш суръатлари таъминланганлиги диққатга сазовордир. Бундай натижаларга эришилгани омиллари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, кичик бизнесни ривожлантириш суръатлари ошганлигини тилга олиш зарур. 2015 йилда 1650 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, уларнинг вилоят бўйича умумий сони 15731 тага етди.

Ҳисобот маърузада иқтисодий-иқтисодий тараққиётда эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ҳам гапирилди. Бизга маъқул келган яна бир жиҳат — ечимини қутаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари оид фикрлар ҳам билдирилганлигидир. Мисол учун, вилоятдаги йирик корхоналарнинг ўттиз фоиздан саноат ишлаб чиқариши ҳамма аввалги йилдагига нисбатан камайиб юборилганлиги таъкидланди. Бундай ҳол кўпроқ Норин ва Поп туманларида мавжуд. Чортоқ, Чуст туманларида эса аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоят даражасидан ортада қолмоқда.

Айнан мана шу тўртта ҳудудга юзага келган ҳолатга "Адолат" СДП вилоят кенгашининг эътибори ҳам жалб этилди. Чунки маъмур туманларнинг халқ депутатлари Кенгашиларида партиямиздан сайланган депутатлардан иборат гуруҳлар фаолият олиб боради. Улар вилоят ҳокимининг ҳисоботида келтирилган масалаларни чуқур ўрганганлиги ва депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишлари ва маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама этилиши орқали амалий натижаларга эришилганлиги лозим.

Зухраҳон КОМИЛОВА,
халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бу борада вилоятда муҳим ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ечимини қутаётган масалалар ҳам мавжуд. Вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов ҳисобот маърузасида таъкидлаганидек, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларининг сўзсиз бажарилиши юзасидан тизимли ишларни кучайтириш зарур.

Шунингдек, ҳисоботда 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгариш ва модернизациялаш дастурида, мамлакатнинг устувор йўналишлари бўйича ўрта муддатли истиқболга қабул қилинган саккизта максалди дастурлар ижросини таъминлаш борасида маъсулликни янада ошириш, бунинг учун 2016 йилда белгиланган максалди параметрлар ва аниқ тадбирлар сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш долзарб вазифалардан кўра эканлиги алоҳида кайд этилди. Ушбу долзарб масалаларда, айниқса, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаол ва ташаббускорлиги хал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур хис қилдик ва бу борада ўз олдимига муҳим вазифаларни белгилаб турибмиз.

Яна шунини айтиш жоизки, ҳисобот маърузада иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини қисқартириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш дастурига асосан вилоятда 2015 йилда 60 та халқ таълими муассасаларидаги 145 та, 28 та соғлиқни сақлаш муассасаларидаги 28 та иситиш қозонлари энергия тежамкор қозонларга алмаштирилгани кайд этилди. Бу эса "Адолат" СДПнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, партиядошларимиз томонидан муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг ҳам натижаси, дейиш мумкин.

Юсуф МАЛИКОВ,
халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари:



— Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ҳисобот маърузасида таъкидланганидек, аҳоли жон бошига янги ҳудудий маҳсулот 9,8 миллион сўмдан тўғри келиб, бу кўрсаткич республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Сессияда биз ҳисобот маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирадиган эканми, вилоятда кўлга киритилган юқори натижалар партиямиз дастурий максалдларига ҳамоҳанг эканлигига ҳам эътибор қаратдик.

Жумладан, электр энергияси тежамкорлигига эришилган, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Маърузада келтирилганича, ҳисобот даврида йирик саноат корхоналарида электр энергиясини тежаш ва бошқа омиллари ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг ўртача 10,4 фоизга камайишига эришилди. Бу кўрсаткич "Бахт текстил" қўшма корхонасида 15 фоиз, "Навоийдонмаҳсулотлари" АЖда 10,1 фоиз ва "Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасида 10,7 фоизни ташкил этди. Шунингдек, касб-хунар коллежларини тамомлаган 14765 нафар ёшлардан 13143 нафарининг бандлиги таъминланганлиги, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 17,9 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, 2014 йилдагидан 1,4 барбарга ошгани ҳам эътиборга молик.

Коллежлар битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш ва уларга имтиёзли банк кредитлари ажратилиши, айниқса, чекка қишлоқ туманларидаги ёшлар учун қатъи имкониятлар яратилганлигини кўрсатиб турибди. Бу эса ёшларнинг бандлигини таъминлаш билан бирга, жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Барликбай ПРЕНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорни Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари, Нукус давлат педагогика институтини ректори:

— Жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар соғлом муҳит ва соғлом рақобат шароитида фаолият олиб бормоқдалар.

Айни кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятига оид қабул қилинган қонунлар асосида, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган максал ва вазифалар ижросини таъминлаш орқали, электротартиб ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорни Кенгаши ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари фаоллиги ошиб бормоқда.

Жўқорни Кенгаш кўмиталари ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги доимий комиссиялар мажлисларида депутатларимиз томонидан илгари сурилган тақлиф ва масалалар кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар асосида турли соҳаларда учраётган муаммоларнинг ижобий хал бўлишига эришилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорни Кенгашининг навбатдаги сессиясида йил якунлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгибаевнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистонда 2015 йилда янги ҳудудий маҳсулотлар кўлами 10,7, саноат маҳсулотлари кўлами 21,6, хизматлар кўлами 18,3 фоизга ўсди. Энг қувонарлиси, бугунги кунда жаҳондаги нефть ва газ саноатида энг йирик лойиҳаларнинг бири саналган "Устюрт газ-ким" мажмуасида қурилиш ишлари якунланиб, маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда мажмуада олиб борилаётган ишга тушириш жараёнининг ўзида 300 миллиард сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди, энг асосийси, бу ерда 1200 нафарга яқин маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда.



Шулар билан бир қаторда саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам қатъи муваффақиятларга эришилган. Жумладан, «Тахиташ ис-синиклиқ электр станцияси»да 2013-2020 йилларга мўлжалланган 700 миллион АКШ долларига тенг бўлган инвестиция киритиш ҳисобидан қўшимча иккита бу-газ қурилмаларини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Қўнғирот сода заводида баҳоси 109 миллион АКШ долларига тенг индустриал инвестиция киритиш ҳисобидан қўшимча йилга 100 миң тонна қалчилаштирилган сода ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Иқтисодиётимиз юксалишида қатъи аҳамиятга эга кенг қўламли сайб-харакатлар давом эттирилиб, келгуси йилларда эски пахта заводлари ўрнида баҳоси 79,6 миллион АКШ долларига тенг янгидан тўртта енгил саноат корхонасини барпо этиш ва тўртта корхонада модернизация ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда.

Мустанкил юрт фуқароси ва таълим соҳаси вакили сифатида Қорақалпоғистонда иқтисодий, иқтисодий, маданий, ишлаб чиқариш соҳаларида ўтган давр мобайнида кўлга киритилган ютуқлардан мамнун бўлдик.

Нукус шаҳрида ва Беруний туманида амалга ошириб келинаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ жойларда қурилаётган кўркам бинолар, ўнлаб соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари қурилагани, мавжудлари қайта таъмирлангани, қўлаб уй-жойлар барпо этилаётгани мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун тамойили асосида изчиллик билан давом этаётганлигидан далолатдир.

Қорақалпоғистонда маҳаллий вакиллик органларига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар ўз олдимига ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг изчил ижроси таъминлигини ва мавжуд масалалар хал этилишида янада фаоллик билан ишлаши, ўз фаолиятимизга тахлилий ва танқидий нуқтан назардан баҳо бериб, изланувчанлик ва талабчанликни янада ошириши максал қилиб қўйдик.

Карим БОМУРОДОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси

— 2015 йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш якунлари таҳлил қилиниб, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига ҳамда аҳоли турмуш даражаси изчил юксалишига эришилганлиги вилоят ҳокими Муҳиддин Эсановнинг ҳисобот маърузасида кайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳисоботда ҳудудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ва пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун хали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги тилга олинди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам фикр юритилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати Қогон шаҳар, Ғиждувон, Шофиркон, Пешқў ва Қоракўл туманларида вилоят ўртача кўрсаткичидан настиғича қолмоқда.

Маърузада бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири — ўзимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлган мева



ва сабзавотларни экспорт қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилганлиги эътиборга молик.

Вилоятимизнинг аграр туманларидан бири бўлган Шофиркон тумани мисолида олиб қарайдиган бўлсак, туманда дуккакли экинларни етиштириш имкониятлари юқори. Кўп сув талаб қилмайдиган моёв, қуқут, сингари дуккакли экинларни етиштириш самарали натижалар бериши аниқланган. Бундан ташқари, бозорчиликда туманининг узум, ўрик, шафтоли, олча, қароли сингари мева маҳсулотлари ўзинга хос бўлиб, республика ва жаҳон бозорларида етакчи ўринларда турувчи маҳсулотлар ҳисобланади. Айни шунинг учун ҳам бу мева маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспортга чиқариш масалаларига жиддий эътибор бериш керак. Бу борада мева ва сабзавот маҳсулотлари, қолаверса, дуккакли экинларни етиштирибгина қолмасдан, уларни қайта ишлаш, қадокловчи кичик корхоналарни ташкил этиш масалаларида ҳам бош қотирадиган пайт келди. Бундай корхоналарни ишга тушириш, уларнинг узлуқсиз ишлаши учун, албатта, энергия қувватлари керак бўлади.

Вилоят ҳокими вилоятда бу масалани хал этишда электр энергияси, табиий газ ресурсларидан тўғри ва унумли фойдаланиш, қолаверса, электр энергияси ўрнини босувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш зарурлиги туғилаётганига уруғ бериб, вилоятда муқобил энергия ресурсларини ривожлантириш куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини алоҳида кайд этди.

Руслан РЎЗМЕТОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Вилоят ҳокими Пўлат Бобоқоновнинг ҳисобот маърузасида келтирилганидек, якунланган йилда иқтисодий дастурнинг белгиланган асосий кўрсаткичлари бажарилди ва сезиларли ўсишга эришилди. Муҳими, вилоят аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бормоқда, буни аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминлигини даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бераётганлиги, хар 100 оналнинг 41 тасида енгил автомобиллар, 38 тасида шахсий компьютерлар борлигида ҳам кўриш мумкин.

П.Бобоқонов ўтган йил давомида эришилган ижобий натижалар билан биргаликда айрим ҳудудларда ва соҳалар ишида камчиликларга йўл қўйилганлигига ҳам эътибор қаратди.

Биргина мисол, вилоятда ҳудудий экспорт кўрсаткичлари 114,7 фоизга бажарилган бўлишига қарамастан, тегишли дастурга киритилган 7 та, жумладан, Урганч шаҳрида 2 та, Гурлан, Қўшқўйир, Хазорасп, Хонка ва Хива туманларида 1 тадан корхоналарда маҳсулот



экспорт қилинмаганини назардан четда қолдириб бўлмайди.

Сессияда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сайлов округларидан мунтазам равишда назорат-таҳлил олиб боришлари ва юзага келадиган масалаларни ўз вақтида хал этиш бўйича депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланишлари зарурлиги хусусида сўз юритилди.

"Соғлом она ва бола йили" муносабати билан вилоят дастури доирасида жами 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағларни жалб этиш мўлжалланмоқда. Дастурни амалга ошириш баробарида олиқ қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли, биринчи навбатда, аёллар учун зарур иқтисодий, маънавий ва тиббий шароитларни яратиш борасида аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда турмуш шароитини янада яхшилаш масалалари эътиборга олинган.

Бу борада тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида скрининг перинатал марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби масалалар депутатларнинг диққат марказида бўлишини алоҳида кайд этиб ўтиш лозим.

Ш.ТОРЕШОВА, З.МИРЗОҲАМДАМОВА, З.АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоят кенгашлари матбуот котиблари,
И.САХАТОВ, И.АБДУЛЛАЕВ, О.ХУҲАЕВ, А.НАЗАРОВ,
"Adolat" мухбирлари

Фаол, фидойи ва мустаҳкам сиёсий позицияга эга ёшлар партия кадрлари бўлиши лозим

Ўқув курси

Маълумки, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашма ҳисобланади.

Ўз навбатида, сиёсий партиялар етакчилари, ходимлари ҳамда вакиллари партия электоратининг истак-хоҳишлари, сиёсий иродасини муттасил ўрганиб, таҳлил қилиши, уларнинг манфаатларини давлат бошқаруви органларидаги вакиллари орқали ҳимоялай олиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, аввало сиёсий партиялар ходимлари, фаоллари аҳолининг янада кенг қатламини ўз ғоялари, мафкураси атрофида бирлаштириш, уларни эргаштира олиш бўйича шаклланган кўнгилли, тажрибасини ошириб бориши, шунингдек, ўз электорати, хайрихоҳлари манфаати ва иродасини янада изчил ва кучли ҳимоя қилиш, улар дуч келадиган муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш, ечимини бўйича конструктив тақлифларни тайёрлашга оид фаолиятини қучайтириши лозим.

Бу каби юксак маъсулликли вазибаларни бажаришда хар томонлама пухта билимга эга, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини тўлиқ эгаллаган ва амалда қўллаётган оладиган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий дунёқароши кенг ёш мутахассислари ва фаолларнинг ўрни бекиёс. Шу боис республикамизда фаолият юритаётган тўртала сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда партиянинг Марказий ва худудий ташкилотларидаги ёш раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини тизимли равишда ошириб бормоқда.

Хусусан, 2015 йилнинг октябр ойидан буюн Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тўрт тала сиёсий партиялар вакиллари учун ўтказилаётган бир ойлик махсус ўқув курсида шу пайтга қадар 60 нафарга яқин ходимлар билим ва малакаларини оширишга муваффақ бўлди.

Шу кунларда ҳам навбатдаги махсус ўқув курси давом эттириляётган бўлиб, унда яна 27 нафар партия кадрлари тахсил олмақда. Дарс соатлари давомида юксак савия ва соғлом рақобат асосида ўтказилаётган баҳс ва мунозаралар, амалий машғулот ва семинарларда “Адолат” социал-демократик партиясининг мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Биз, партия мутахассислари юксак ташкилий-савиявий даражада ўтказилаётган машғулотларда таниқли сиёсий арбоблар, сенатор, депутатлар, илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича олимлар, педагоглардан сабоқ олмақда, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати мафкура бўлими мутахассиси Баҳром Бурҳаниддинов.




— Дарс соатларида парламент фаолияти ва унда сиёсий партияларнинг ўрни, Ўзбекистон

тонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва уларнинг меъриёй-ҳуқуқий асосларини ривожини, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги роли ва ўрнининг ошиши, сиёсий партиялар ташкил этилишининг тарихий ҳуқуқий манбалари: миллий ва хорижий тажрибаси мавзуларида қўллаб қўйиладиган маълумот ва ахборотларга эга бўляптиз. Бу каби дарслардан нафақат назарий, амалий билим ва кўнгилмазсини оширишга, балки четдан туриб ўз фаолиятимизга нисбатан танқидий-таҳлилий назар солишга, ўз-ўзимизга ҳолис баҳо беришга муваффақ бўляптиз. Демак, бу каби сиёсий ўқувлар, биз, партия вакилларига бой бериладиган имкониятлар, йўл қўйилаётган камчиликларимизни аниқлаб олишга ҳамда келгусида юрт фаровонлигини юксалтириш, халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўсини оширишга ҳисса қўшишдек мақсадимизга эришиш йўлида янада фаол ва фидойи бўлишимиз лозимлигини унутмасликка ҳам имкон беради.

Этиборли жиҳати, 30 дан ортиқ мавзуларда бағиниланган назарий ҳамда амалий машғулотлар интерактив шаклда ўтказилиб, ҳар бир маърузачи мавзу юзасидан тайёрлаган слайдларига қўшимча равишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини ҳам тингламоқда, фикр алмашилмоқда.

— Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга кўтариш муҳим ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби Феруз Жўраев.



— Бу эса, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам янгилашниш ва ривожланишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган ўқув курслари айни шу мақсадга қаратилган билан аҳамиятлидир. Академияда тахсил олиш жараёнида “Бошқарувда қарорлар қабул қилиш”, “Тизимли таҳлил асослари”, “Сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик шакли ва усуллари”, “Сиёсий партияларда кадрлар билан ишлаш амалиёти”, “Сиёсий партияларнинг замонавий ташкилий тузилмаси” каби қизи-

Мухтасар айтганда, бу каби сиёсий ўқувлар сиёсий партиялар ходимлари, фаолларининг ижтимоий-сиёсий дунёқароши, билимининг кенгайтиришга, амалий, ташкилий, мафкуравий фаолиятларини юқори даражага олиб чиқишга, партиянинг фидойи ва сиёсий етук кадрлари сифатида шаклланиши ва ўсишига хизмат қилади.

карли фаоллардан ўз соҳасининг етук мутахассислари, катта тажрибага эга раҳбар кадрларнинг маъруза ва амалий машғулотлари бизда катта таассурот қолдирди.

Айниқса, маърузачиларнинг кадрлар салоҳияти, сиёсий-ҳуқуқий билимдонлиги ва етакчилик қобилиятини оширишга доир қимматли билимлари фаолиятимизга танқидий-таҳлилий руҳда ёндашишга, ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга, электорат билан самарали алоқа ўрнатил, долзарб аҳамиятга молик масалаларга ечим топишда ўз вақтида қарор қабул қилишда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади.

Аҳамиятлиси, дарсларда бошқа сиёсий партия вакиллари билан ўзаро баҳс-мунозараларда ўз билим ва кўнгилмазсини мустаҳкамлаб, амалий машғулотларда фаол иштирок этишимиз. Маъмур ўқув курси сиёсий партиялар тизимини етук кадрлар билан таъминлаш, улар малакасини ва партия фаолияти самардорлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

— Партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири Ойбек Турғунов.



— Қолаверса, сиёсий партияларнинг мавжудлиги демократик тизимлар ривожланишининг зарурий шартларидан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир партия муайян ижтимоий қатлам манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Амалда кўппартиявийлик — ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар учун сиёсий рақобат майдонидир. Шундай экан, сўнгги пайтларда академияда тизимли равишда ташкил этилаётган ўқув курсларидан асосий мақсад ҳам сиёсий партияларнинг ёш ва фаол кадрларини сиёсий майдоннинг рақобатбардор ва сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий савияси етук мутахассислари сифатида тайёрлаш, уларнинг замонавий билимларини пухта эгаллашга шарт шартларини, бир сўз билан айтганда, мустаҳкам фуқаролик ва сиёсий позицияга эга мутахассисларнинг малакасини оширишдан иборат. Бу каби сиёсий ўқувлар сиёсий партиялар фаолиятини янада жонлантириш, жойлардаги депутатлар гуруҳи, электорат билан янада фаол ишлаш бўйича қилинадиган ишларини янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилишига умид қиламиз.

Ўқув курси якунида ўтилган мавзулар юзасидан имтихонни муваффақиятли топишган тингловчиларга махсус сертификатлар тақдим этилади.

Саодат СОДИҚОВА, «Адолат» мухбири



Ёшларни мафкуравий хуруждан

холис ахборотлар ёрдамида ҳимоя қиламиз

Ватан келажаги ёшлар қўлида

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарларнинг олдини олишга ҳисса қўшиш мамлакатимиз сиёсий майдонига ўзига хос ўринга эга Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг устувор вазибаларидан биридир.

Хусусан, ҳозирги глобаллашган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга тўғри муносабатни шакллантириш, уларга ахборот олиш ва тарқатиш борасида тушунарлар бериш, ёшларда ахборотни саралаш маданиятини юксалтириш ҳамда уларда интернет тармоғи орқали бўлаётган турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида партия фаоллари ва хайрихоҳлари қўллаб қўйиладиган давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда “Ватан келажаги ёшлар қўлида” ижтимоий лойиҳаси доирасида жойларда, таълим муассасалари, маҳаллаларда ёшлар ўртасида тарбиёт-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Тошкент темир йўл транспорти қасб-хунар коллежида маъмур ижтимоий лойиҳа доирасида “Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий жараёнлар” мавзусида ўтказилган давра суҳбатига шу ҳақида сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати маъсур ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари, партиянинг “Еш адолатчилар” қаноти Кенгаши аъзолари, таълим муассасаси ходимлари, ўқитувчилар ва ўқувчилари иштирок этган тадбирни Ўзбекистон “Адо-

«Адолат» СДП Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазибасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-хунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиб ва кенгайтириш имкониятини беради.

(Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

лат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов олиб борди. Қайд этилганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида кенг қўллаб қўйиладиган ишларни амалга ошириладиган, Ватанимизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётган, шаҳар ва қишлоқларимизни кифёсати тубдан ўзгартириб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётган бир пайтда, шунингдек, юртимизда яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, миллий рамзимиз — Ўзбекистон байроғини жаҳон ареналарида юқори кўтараятган ёшларимиз, самарали бизнес ғояларини амалда қўллаб ўз тенгдошларини доимий иш билан таъминлаётган ташаббускор, тадбиркор ўғил-қизларимиз билан бир қаторда афсуслик, инсон ва унинг шаъни, кадрини ҳимоя қилувчи муборак ислом динини никоҳ қилиб, динимизга мутлақо зид хатти-ҳаракат, амалларни бажараятган ва бошқаларни шунга даъват этаётган ғаламис шахслар, “мафкуравий иммунитетни” шаклландирган юр-

тдошларимизнинг учраётгани ҳам ачинарлидир.

— Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган таракатимизнинг “Ўзбек модели”да кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари Конституциямиз ва қатор қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилди, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матибаев. — 1991 йил 20 ноябрдаёқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги



қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосини яратиб берди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг мантисига ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Сулаймонов, Ички ишлар вазирлиги маъсур ходими Э.Тошматов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита маъсур мутахассиси М.Хайдаров ва бошқалар дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик қучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда нияти бузуқ гуруҳлар ўз олдида бошқа халқларнинг маънавияти, маданияти, турмуш тарзи, айниқса, ҳар қандай жамиятда энг фаол ва кўпчилигини ташкил этувчи, доимо янгиликка ўч, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга катта қизиқини билдирувчи ҳамда кўпчилигида қатъий фуқаролик позицияси шаклланиб улгурмаган ёшларнинг дунёқарошини ўзгартиришга уринаётгани барча юрдошларимизни ҳушёрликка, огохликка қорлаши лозим.

— Айрим ёшларнинг бундай тажовузор ғоялар билан “озиклантирилиши”да, уларнинг онг-шуурида “мафкуравий бўшлик” юзга келишида, аввало, оила, қондош-қариндошларнинг, шунингдек, муассасалари ходимлари, балки барчамиз, кенг жамоатчиликнинг асосий мақсади бўлиб қолиши лозим.

маҳалла, таълим муассасаси, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти вакилларининг лоқайдлиги, бефарклиги сабаб бўлган, десак янглишмаймиз. — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маъсур ходими Э.Тошматов.

— Баъзи юрдошларимиз фарзанди, ўқувчиси, талабаси ёки маҳалладоши нималар билан бандлиги, қимлар билан қайси мақсадларда мулоқотга киришяётгани, нималарга қизиқиниши, қимларга эргашяётганлиги ҳақида қизиқмаслиги, уларнинг бўш вақтини назорат қилмаслиги оқибатида орамизда ўз олдимизга қўйган стратегик мақсад ва вазибаларни адо этишга ҳисса қўшиш ўрнига, афсуслик, Ватанга, ота-онасига, маҳалласига ҳоинлик қилаётган қимсалар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга, ёшларни мустақил ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, иродаси мустаҳкам, сиёсий ҳушёр инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшиш нафақат ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари вакиллари ёки таълим

муассасалари ходимлари, балки барчамиз, кенг жамоатчиликнинг асосий мақсади бўлиб қолиши лозим.

Тадбир давомида “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмасига асосан тайёрланган “Фитна” номли ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Фильмда гўёки “Исломиий давлат” қуриш учун қон туқиш, шаҳид бўлиш саъоли амал эканлигини мустақил фикрга эга бўлмаган айрим ёшларимиз онига сингдирган, аслида эса ёшлардан ўзларининг сиёсий мақсадларида фойдаланган айрим диний ташкилотлар ва уларнинг домига тушиб қолган баъзи юрдошларимизнинг янчилик тақдирини акс эттирилган. Бу эса қолғач ўқувчиларини турли бузуғчи ғоялардан, экстремистик гуруҳларнинг адовларидан огоҳ бўлишга, онадек муқаддас бўлган Ватанга доимо содиқ бўлишга, унинг раънақига ҳисса қўшишга, юртимиздаги тинчлик ва оқоий-ишталоқнинг қадрига етишга ундади.

— Бугунги тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар, намойиш этилган ҳужжатли фильм биз, ёшларни янада сергакликка, огохликка қорлади, — дейди қолғачнинг 3-босқич ўқувчиси, партия аъзоси Жавоҳир Абдуллаев. — Бугун биз, ёшлар шахсан Президентимиз, халқимиз, ота-оналаримиз томонидан билдирилган ишончин эгаллаган билимимиз, ҳалол меҳнатимиз билан оқлашимиз кераклигини, интернетдаги ҳар қандай ахборотларга ишониб кетармаслигимиз, ахборотнинг ростини ёлғондан, ёлғонни ростидан ажрата оладиган даражада юксак билим ва маданиятга эга бўлишимиз лозимлигини яна бир бор хис қилдик.

Жонли мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатига ёшлар депутатлар ва мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

С.ЖАББОРОВА, «Адолат» мухбири

Маънавият

Агар бир иморатни қисмларга ажратиб қарайдиган бўлсак, унинг пойдевори бетондан, синчи ёғочдан, девори пишиқ гиштдан, томи таомилга кўра ёпилган бўлса — бинонинг мустақкам эканига имон келтирамиз. Чунки мезонлар худди мана шундай хулоса беришимизга асос бўлади. Мабоодо, мана шу қиёсимизни инсоннинг мардлик ва матонат сингарии фазилатларига нисбатан қўлласак-чи! Бунда бу хислатларнинг метин каби мустақкамлигини қайси ўлчовларга асослабни хулоса қилишимиз мумкин?

Албатта, бу масала жиддий таҳлили талаб қилади. Зотан, қадимда ҳам алломалар бу мавзу устида бош қотирганлар. Инсонга хос бўлган бу туйғуларнинг мохиятини англашга ҳаракат қилганлар. Бу борада қўлаб асарлар яратилган, қарашлар баён этилган. Кишининг мардлиги ва матонати — ҳаёти эл-юрт муҳофазаси учун гаровга тикланган тақдирдагина намоён бўлади. Бу йўлда чеккан заҳматлари, тортган азоб-уқубатлари жасорат саналади. Зеро, инсон учун бу дунёда энг муқаддас бўлган тушунчалар мавжуд, шулардан бири — Ватан! Унинг камрови шу қадар кенги, унга жамини қадриятлар жо бўлади. Ватанпарварлик эса унинг хизматида бўлиш, қорига яраш, зарурат туғилса, ҳаттоки жонни фидо қила билиш

МАРДЛИК ВА МАТОНАТ МЕЗОНЛАРИ

демакдир. Негаки, кишининг Ватани, бу — ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган, меҳнати ва унинг маҳсулини татиган, ўзи мансуб бўлган халқнинг ўтмиши пойидор, ота-болаларнинг хоки барқарор — тарихан таркиб топган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий худуд бўлиб хисобланади. Мана шу ўринда улур бобоқалонларимиз, ёвқур баҳодир Спитамен, Жалолддин Манғуберди ва Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлик жасорати қўз олдимизда гавдаланади. Хар учала бобомизнинг мардлиги ва матонати том маънодаги ватанпарварликнинг олий кўриниши, дейишга арзийди. Сабаби, улар ёв қаршида ялоқхўрлик қилмаганлар. Ўз хузур-халоватини ўйлаб, мураса йўлини тутмаганлар. Бинобарин, мўғул қўшинлари Хоразм заминига мўру малахдек ёпирилиб келган чолари Чингизхон Кубро ҳазратларига хуфя одам жўнатиб, унга бўлган ҳексиз хурматини изхор этади. Хоразм тупровини тарк этиб, тинч ўлкаларга бош олиб кетишни маблаҳат беради. Бирок, Нажмиддин Кубро бу "ғамхўрлик"ка рад жавобини беради. Аёғрининг адовларига учмайди, жангга кириб, душман билан қурашди, эрксиз яшагандан кўра, Ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлишни афзал билди. Шу сабаб ҳам Спитаменнинг хиёнат туғайли қесилган бошини баркашга солиб келганларида Александр Македонский йиғлаб юборган. Шундан

дай эр йигитнинг ўлим топганидан қайғурган. Рақибини шоҳона дафн этишга буюрган. Чингизхон эса, бўйеунмас ботир Жалолддиннинг жасоратига тан берган. Шу боис ҳам гап ватанпарварлик ҳақида кетганда, ор-номус, шаън, кадр-қиммат сингари тушунчаларга кишини мардлик ва матонатга ундагувчи умуминсоний қадриятлар сифатида қаралади. Башарият учун ғоятда таҳликали бўлган мушкул вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олган кишини ҳақиқий юртпарвар, элпарвар эканлиги намоён бўлади. Бу борада қадимги Рим алломалари Сенека, Эпиктет ва Марк Аврелий қимматли фикр-мулоҳозаларни баён этиб кетишган. Хусусан, бурч — кишининг жамият ва ўз яқинлари олдидаги ахлоқий мажбурияти эканини уқдиришган. Шулардан келиб чиқиб мушоҳада қиладиган бўлсак, Президентимиз ҳали мустақиллигимизнинг дастлабки қунлариданоқ маънавий масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келётганлари бежиз эмаслиги аён бўлади. Истиклолга эришганимиздан сўнг мамлакатимизда барпо этиладиган ёш суверен давлатнинг иқтисодий базасини яратиш, ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш баробарида, аҳоли онгида миллий ғоя, мустақиллик мафқурасини қарор топтиришга бўлган саъй-ҳаракатлари замирида улкан маъно борлигини ҳам англаб етасиз. Зотан, давлатимиз раҳбари биринчилардан бўлиб жаҳон ҳамжа-

миятини ахборот хуружлари ваҳминдан оғохлантирган эди. Унинг ядро полигонларидан-да хавфли экани, бундан кейин сиёсий зиддиятлар, кирғинбарот урушлар ана шу соҳада амалга ошириш мумкинлигига эътибор қаратганди. Ўзликни англаш масаласига, ўз тарихини билиш, ундан гурурланиш — ёшларда ифтихор туйғусини шакллантириш лозимлигини уқдирган эди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустақкамлаш масаласига жуда катта эътибор қаратилгани, Ўзбекистон Қуролли Кучлари тубдан ислоҳ қилиниб, миллий армиямизга асос солинигани ҳеч кимга сир эмас. Қўшинларимизнинг жангворлик ҳолати яхшиланиб, ҳарбий хизматчилар таркибига сифат ўзгаришлари рўй бергани ҳам барчамизга маълум. Давлатимизнинг бирорта ҳам ҳарбий блокларда иштирок этмаётгани, қўшилмаслик сиёсатини юритиб келётгани

ни ҳарбий соҳада амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнлари фақатгина мамлакат тинчлигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамият касб этади. Башарти, геосиёсат майдонида кимўзарга улоқ чопаетган мамлакатлар янгида-янги кирғин қуролларини ишлаб чиқариб, ўзгалар қўнлига ваҳима солиш мақсадида уни намоёйиш этишга тушган XXI асрда ҳам жисмонан, ҳам маънан чинкиш мактабини ўтаган халқ фарзандлари бундан асло чўчимайдилар. Чунки, улар ким эканликларини, қандай улур авлодга мансубликларини, тарихан бу эл шонли ўтмиш соҳиби эканини, у ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаганини теран англайдилар. Ватан сарҳадларида турган посбонларимиз орта бир қадам ҳам кечкинб бўлмастлигини, чегаралар дахлсизлигини таъминлашга бурчи эканликларини чуқур хис этадилар.

Ватан! Маънавиятли инсонлар бу сўзнинг замирида нечоғли муқаддас маънолар мавжудлигини биладилар. Уни ҳеч кимга оёқости қилдириб қўймайдилар. Бинобарин, инсоний ор-номус, шаън, кадр-қиммат сингари қудратли қуролга эга бўлган қалб ҳар қандай ташқи таъсирларга дош бера олади — қуламайди. Зотан, "Юксак маънавият — енгилмас куч" деган сўзнинг замирида мана шу беқиёс ҳақиқат мавжуд.

Худобёр МАМАТОВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Шифокорлар

аттестациядан ўтказилиши тизими шакллантирилди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббиёт ташкилотлари шифокорлари эғаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши мажбурийлиги белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 январдаги "Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, тиббиёт ташкилотларини чуқур назарий билим ва амалий қўнимларга эва юқори маънавий мутахассислар билан таъминлаш мақсадида шифокорлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташқи аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади. Шунингдек, қарорда республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда йўналтирилган мутахассислар бўйича муайян мутахассисларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб, олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини тизимли асосда белгилаш шиларини тақомиллаштириш мақсадида Олий тиббиёт муассасаларига қабул квотасини белгилаш тартиби тўғрисидаги низоом ҳам тасдиқланган.

Бобур ТУНГАТОВ, «Adolat» муҳбири

ОГОҲ БЎЛГАН АБГОР БЎЛМАС

Мафқуравий иммунитет

Мустақиллик барча жабҳалар қаторида ислом маърифатининг ривожини, мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларини эмин-эркин адо этишлари учун ҳам қулай шароитлар яратиб берди. Афсуски, ана шундай ҳавас қиларли имкониятлар бўлгани ҳолда, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни кўролмаётган айрим ҳасадгўй кимсалар аҳоли орасида норозилик кайфиятини уйғотиш, фитна чиқариш мақсадида, "бу диёрда диний эркинлик йўқ, ибодат қилувчилар таъқиб остида, исломий билим олиш чекланган", деган ғаразли уйдирмаларни интернет сайтларида тарқатишмоқда.

Яна баъзи рофил кимсалар эса муқаддас ислом дини номида мутаассиблик ва босқинчилик, хунрезликларни оқлашга уринмоқдалар. Ваҳоданки, терроризм ва экстремизм инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши қаратилгани сабабли ҳам энг оғир ва ваҳишона жиноят ҳисобланиб келган. Энг ачинарлиси, бундай чиркин ғоялар таъсирга энг аввало ёшларни жалб этишга уринилмоқда. Бу эса барча фуқаролар, мўмин-мусулмонлар учун таъшишларни талаб қилади. Ёшлар онгини бундай зарарли иллатлардан муҳофазалаш қилиш учун самарали усулларни ишлаб чиқиш бугунги кун таълим соҳасининг долзарб вазифасига айланган. Маълумки, 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган. Унинг 5-моддасида: "Террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари, жамоат бирлашмалари, шунингдек қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади", дея қайд этилган. Ушбу қонуннинг 6-мод-



дасида эса "Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашиш амалга оширувчи давлат органларига қўмақлашадилар ва зарур ёрдам берадилар", деб белгилаб қўйилган. "Муассасалар" деганда биз таълим муассасаларини кўзда тутишимиз лозим. Демак, бундан террорчилик фаолиятининг олдини олиш таълим муассасаларида педагогик профилактик чоралар мажмуини қўлайтириш орқали амалга оширилиши даркор. Бугунги кунда таълим муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири келажак авлоднинг қомил шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборат эканлиги ҳаммамизга аён, албатта. Энг назик балоғат даврида бола таълим муассасасига ўқинишга келади. Ана шу пайтда ёш навиҳонлигини онгидаги дунёқараш нимага ёки қайси жиҳатга мойиллигини аниқлаб, уни муайян мақсад йўлида ривожлантириш ўқитувчи-устозларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Айниқса, ёшлар онгида ғоявий бўшлиқнинг олдини олиш учун замон талабларига мос янги инновацион педагогик усул ва ёндашувлар яратилиши лозим. Бунинг учун таълим муассасаларида психологик таъсир ўтказишнинг аҳамиятини опириниш, ёшлар онгида ёт ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш талаб қилинади. Шунингдек, таълим муассасаларида психологик ўрганиш хизматини жорий этиб, турли хил кизиқишга мойил талаба-ёшларни аниқлаб, уларнинг дунёқарашларини илмий, диний, ахлоқий томондан асослаб, жамият тараққийоти белгиловчи бунёдкор ғояга йўналтиришга эришмоқ зарур. Таълим муассасалари, ҳуқуқий муҳофазала қилувчи ташкилотлар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва жойлардаги валидликлар билан ҳамкорликда талаба-ёшлар онгида терроризмнинг муҳим оқибатлари, унинг домига тушиб қолганларнинг аянчли ҳаёти, ғаразли ниетларини амалга оширишга уринаётган "сохта салафийлар", "хизбут-таҳрир", "акромийлар", "нурчилар", "жиҳодчилар" каби бузғунчи оқимларнинг асл мақсадларини акс эттирувчи фильмларни ўқувчи-ёшлар ўртасида мунтазам кўрсатиб бориш орқали маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар са-

ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНЛАРИ

Негаки фарёдан кўк ларзага келётган муштинлар она, фарзанди қандай разил ишга қўл урганини кўриб боши ҳам бўлган ота, жигарларнинг қабхликка боришини кутмаган қариндошлар дол-фарёдан тўлқинланмай, ҳаяжонланмай бўладими?! Қўрсатувда "Олдин биз буларни Ватанга қайтаришга ҳаракат қилдик, лекин энди уларнинг юртимизга кириб келишидан огоҳ бўлишимиз керак...", "Болам учун ўлушимча Юртбошимиздан бошимни эғиб кечирим сўрайман", "Укамнинг бундай иши учун биз, жигарлар эл-юрт олдида, маҳалла-қўй олдида шарманда бўлдик, бундай шармандагарчиликдан қандай бош кўтариб юрамиз..." каби лавҳалар биз, ўзбекларда азал-азалдан шаклланиган, қон-қонимизга сингиб кетган "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас"лигини фарзандларимизга тўлақонли етказишда сусткашликка йўл қўяётганлигини англаймидими? Лавҳаларни томоша қилар эканман, фикрлай бошладим. Фарзандлар хонлик, сотқинлик даражасига етибди, бунинг ҳуқуқимиз билан ҳаммани оғохликка, ҳушёрликка чакирмоқда. Аммо... фарзандлари шунчалликка борса ҳам ота-она, ёр-биродарлар бундан беҳабар! Биз оналар фарзандимиз қаерда бўлмасин, уларнинг хар бир ҳаракатини юртимиз билан хис қилиб тураемиз-ку! Ота-оналар, қариндошлар осонгина фарзандини кечиб юбораётгани. Тўғри, бундай юртфуруш, ғаламис кимсалар нафратга лойик, лекин уларнинг бундай жирканч, қабхч йўлга киришида ота-оналарнинг айби йўқми? Бор дейман, керак бўлса, баралла айтаман. Нафакат буларнинг, балки мактабга таълим муассасаларининг, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим даргоҳларининг, маҳалла-қўйнинг, барча-барчанинг айби бор. Айтадиларки, бола 5 ёшга 80 фоиз ахборотин ўзлаштириб оларкан. Демак, боланинг тили чикқандан бошлаб уни ўз юртига меҳрли, унинг қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаш керак. Келажакимиз ёшларнинг қўлида экан, биз уларга келажакни шониниб тоштира эканмиз, бундай ватанфурушлар билан жиддий курашмоғимиз, уларнинг нисолида жойларда ёшларга ўз юртига хонлик қилганлар охири-оқибат хору зорликда ўлиб кетишини ёки бошқа азобларни бошдан кечириниш, бир умр виждон азобида, эл-юрт соғинида ўтишини тушунтириб бориш учун маънавий-маърифий тадбирларини, мана шундай видеофильмларни мунтазам намоёйиш этиш керак. Кези келганда шунини ҳам айтиб ўтиш керак, биз маҳаллада хорикга ўқинишга, ишга кетган фуқароларнинг ота-оналари билан суҳбатлашсак, фарзандлари у ерда нима иш қилишни ёки қайси ўқинишда ўқиниш билан қизиксак, биринчи навбатда, бизга савол беришди: "Тинчликми, нимага ҳадеб суриштиравасизлар?" Баъзи фуқаролар хорикга кетганларни айтмасликка, сир сақлашга ҳаракат қиладилар. Шундай пайтларда биз профилактика позрлари билан ҳамкорликда маҳалламизда яшовчи, лекин ҳозир хорикга фаолият юритаётган фуқароларни аниқлаб оламиз. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига шундай жумлалари бор: "... агар биз ахил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чикмасек, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди". Тарихда бир ривоят юради. Эмишк дундаман шаҳар дарвозасини очиб берган одамни подшоҳ ўлимга маҳкум қиладди. Хонин подшоҳга қараб: — Ахир мен сизга шаҳар дарвозасини очиб бердим, шу сабабли сиз ғолиб бўлдингиз. Нима учун менга мукофот эмас, ўлим жаозасини беряпсиз? — дебди. Шунда подшоҳ: — Ўз юртига хонлик қилган одам менга вафо қилмайди, сенга муносиб мукофот — ўлим, — деб жавоб қайтарган экан. Дарҳақиқат сотқин ҳамма жойда бир хил ном билан аталади. Ўзбекистонда жашнатмонанд юртин билмаган, унинг қадрига етмаган, ўз ота-боболари, аجدолари, ётган муқаддас туниқни топишга ҳаракат қиладиган бундай разил кимсалар юрак ўйноқлигида умр ўтказиши ва охири-оқибатда хору зор бўлиши муқаррар.

Умид ХОДЖАЕВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассиси

Ойниса БОБОНОВА, Тошкент шаҳар Олмасор тумани "Жийдали" МФЙ раиси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюмчаси аъзоси



XALQ BANKI

Мижозлар ишончи — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Молия муассасаларида

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дунё иқтисодиётида юз бераётган иқтисодий инқироз туфайли кўплаб мамлакатларда катта-кичик корхоналар таназзулга юз тутиб, минглаб иш ўринлари қисқармоқда. Бизда эса миллий иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Энди ўз бизнесини йўлга қўётган тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, уларнинг узок вақтга барча солиқлардан озод этилиши дунё миқёсидаги жуда камб ҳолидир.

Ўтган қисқа даврга назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодиётимизда, хусусан, банк тизимида амалга оширилаётган барча ислохотлар халқимизнинг эртанги кунга умид билан қарашига, турмуш шaroитларини янада яхшилашга ишонч уйғотмоқда. Бунга ақшадорлик тижорат Халқ банки ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Халқ банки тизимида кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қамровли банк хизматлари кўрсатиш учун 197 филиал, 35 минибанк, 680 махсус касса, икки юздан зиёд коммунал касса ва яна шунча жамғарма касса фаолият юритмоқда. Шунингдек, аҳолига коммунал ва бошқа тўловларни тўлашда 173 сэйёр кассалар яқиндан кўмаклашмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 25 июлда қабул қилинган Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан 2015 — 2017 йилларда банк устав капиталини 385 миллиард

сўмга етказиш белгиланган. Банк устав капиталининг босқичма-босқич оширилиши халқаро рейтинг агентликларининг банкка бераётган баҳоларини янада яхшилаш, фаолият барқарорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Банк ўтган йилда 12 минг 100 тадан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 триллион сўмдан зиёд кредит ажратди. Натижанда 30 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 2 минг 642 лойиҳага 50 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилди. Ана шундай йирик миқдордаги маблағлар эвазига кўплаб хусусий сектор вакиллари ўз фаолиятини ривожлантириб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўйиш билан бирга, қашшоқларимиз ободлигига ҳам ҳисса қўймоқда.

Кредит олиш осон, лекин ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш жуда муҳим, — дейди бухоролик тадбиркор Илхом Раҳимов. — Ўзимдан қиёс: 2014 йилда Халқ банкидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида кредит олган эдим. 2015 йилда яхшигина фойда қўришга ҳам эришдик. Янги йилда фаолиятимизни янада кенгайтириб, кўпроқ иш ўринларини ташкил этиш, шу орқали аҳолига намунали хизмат қилишни мақсад қилганмиз.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Банк тадбиркорликка иштиёқи балид бўлган касб-хунар коллежи битирувчиларининг истиқболли лойиҳаларини молиявий қў-



Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани "Эллиққалъа" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги савдо мажмуаси аҳолига беминнат хизмат қилмоқда.

Тадбиркор Умрбек Нурибегов томонидан Халқ банки туман бўлими молиявий қўмағида барпо этилган мажмуада машиий техника, қурилиш маҳсулотлари, уй-рўзгор жиҳоз ва буюмлари савдоси йўлга қўйилди. Бу ерда 12 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Суратларда: сотувчи Рустамбой Машарипов ва харидор Нодира Нурибегова; фойдаланишга топширилган янги савдо мажмуаси.



лаб-қувватламоқда. Хусусан, ўтган йилда касб-хунар коллежларини битирган 4 минг нафарга яқин йиғит-қизларга 33,6 миллион сўмдан зиёд кредитлар берилди. Бу эса 3,7 мингта яқин иш ўринларини яратишда кўл келди.

Банк қўмағида ўз бизнесини йўлга қўйган ёшлардан би-

риман, — дейди навоийлик Темир Шодиев. — Ўтган йили коллежни тамомладим. Аҳоли эҳтиёжларини ўрганиб, савдо фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Халқ банкдан кредит олдим. Келгусида фаолиятимни янги ғоялар билан бойитиб, кўпроқ тенгдошларимни ишга жалб қилиш ниятидаман.

Мухтасар қилиб айтганда, банкнинг тадбиркорлик субъектлари, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчиларига таклиф этаётган банк хизматлари мижоз ва банк ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро ишончини мустақкамлашда беқиёс ўрин тутди. Ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишлар Соғлом она ва бола йилида ҳам кенг миқёсда давом эттирилади.

Банк ахборот хизмати

"Ақлли" жомадон




NUA Robotics компанияси халқаро CES-2016 кўрағамасида ўз ағасини танийдиган ва унинг изидан юрадиган смарт-жомадонни намойиш этди.

Эгасини таниши ва унинг мобиль телефонига улангани учун жомадонга камера ва Bluetooth модули ўрнатилган. Тажириба муваффақиятли ўтган тақдирда бундай "ақлли" жомадонлар шу йилнинг ўзида дўконларга чиқарилади.

Компания бошлиғи Алекс Либман яқин келажакда кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган хар қандай буюм ёки жиҳоз бундай хусусиятга эга бўлиши мумкинлигини таъкидламоқда. Мисол учун, супермаркетларда ишлатиладиган "ақлли" гидиракли аравачалар кекса ёки жисмоний жиҳатдан заиф харидорларнинг яқин кўмакчисига айланади.

Шарҳ

24 январь куни Португалияда бўлиб ўтган президент сайлови натижалари эълон қилинди. Унда деярли 53 фоиз овоз билан Социал-демократик партия номзоди, 67 ёшли Марсело Ребело ди Соуза ғалаба қозонди.



ПОРТУГАЛИЯДА

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Ди Соуза Лиссабон шаҳридаги университетни тамомлаган. Шу ерда дарс бериб, докторлик ишини химоя қилган, профессор даражасига эга. Мамлакатнинг янги қабул қилинган Конституцияси муаллифларидан бири. Сўнгги йилларда фаолиятини бироз ўзгартириб телеюдузга айланган. Билмонлиги, кенг дунёқараш ва илмий салоҳияти уни Португалия телевидениясидаги энг машҳур сибсатшунос сифатида танитди. Айнан шу медиа машҳурлик президент сайловида фаолиятини бироз ўзгартириб телеюдузга айланган. Билмонлиги, кенг дунёқараш ва илмий салоҳияти уни Португалия телевидениясидаги энг машҳур сибсатшунос сифатида танитди. Айнан шу медиа машҳурлик президент сайловида фаолиятини бироз ўзгартириб телеюдузга айланган. Билмонлиги, кенг дунёқараш ва илмий салоҳияти уни Португалия телевидениясидаги энг машҳур сибсатшунос сифатида танитди.

Кейинчилик парламент ишлари бўйича вазир лавозимда фаолият юритди. 1989 йилда Лиссабон мэри сайловида иштирок этди. Унинг номзоди кам овоз олади. Аммо у қурашни давом эттирди. Сибсат оламининг янги чўққиларини забт этиш ва янги ҳамфикрлар излашга чоғланди. 1996-1999 йилларда у ўзи ташкил қилган партияга етакчилик қилди. Бирварақайига икки телевизион каналда сибсат ширкати бўлиб фаолият юритганида эса, бутун халқ уни таний бошлади. Кўпинча унинг фикри ўз партияси қарашларига зид келиши мумкин эди. Лекин айнан мана шу ҳолат ди Соузани одамлар орасида мустақил ва очик инсон сифатида машҳур қилди. Сайловдаги кампанияси даврида ҳам у ўзгача кўринишга, бошқачароқ гапиришга ҳаракат қилди. Сибсат ва телевидион тажрибасидан оммавий ахборот воситалари унинг хар бир қадами ва ҳаракатини синчковлик билан кузатишларини яхши биларди.

Бўлиб ўтган президент сайлови — мамлакатни молиявий таназзулдан чиқариш учун Португалия ҳукумати томонидан жорий қилинган кескин тежамкорлик дастуридан кейинги сайловдир. Сайловда мамлакат фуқароларининг 48,5 фоизи иштирок этди. Португалия президенти лавозимига 10 нафар номзоднинг қўйилиши мамлакатнинг кирк йиллик сайлов тарихида рекорд кўрсаткич бўлди. Ди Соузанинг асосий рақиби — Лиссабон университетининг собиқ ректори, 61 ёшли Антонио Сампайо да Нова тахминан 22 фоиз овоз олган. Номзодларнинг энг ёши — 39 яшар социолог ва Европарламент депутаты Мариза Матиаш 10 фоиз атрафда овозга эга бўлди. Кўпчилик овоз билан президентликка сайланган Ди Соуза ўнг қараш тарафдори. Унинг сўл қараш тарафдори бўлган бош вазир билан қандай муроғасга келиши акарият сайловчиларини кизиктирди. Зеро, Португалиянинг иқтисодий кийинчилликларини қай тарзда енгиши бош вазир ҳамда президентнинг умумий тил топа олишига ҳам боғлиқ.

Португалия давлат бошқаруви шаклига кўра парламент республикаси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда президент бир қанча алоҳида ваколатларга эга. Жумладан, у бош вазир номзодини илгари суриш, сайловлар-



Португалия социал-демократик партияси

Партия 1974 йилнинг 6 майида Халқ демократик партияси номи билан ташкил этилган. Партия 1974 йилги Португалия ишқилоби пайтида ташкил этилган вақтда ҳукумат тарқибиди бўлган. 1975 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган Табсис кенгаши сайловида 26,4 фоиз овоз олиб, Социалистик партиядан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган.

1976 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган III съездида Халқ демократик партияси Социал-демократик партияга ўзгартирилди. Шундан кейин социал-демократлар Португалияда гоҳ ҳукуматни бошқариб келди, гоҳ асосий мухолифат партияси сифатида фаолият юритди.

Жумладан, 1987 йили социал-демократлар парламент сайловларида мутлақо кўп овоз олиб (50,2 фоиз), 250 депутатлик ўринини 148 тасига эга бўлди. Айнан социал-демократлар 1989 йили мамлакат Конституциясида демократик ўзгаришларни киритди. 1990 йили эса СДП ташаббуси билан хусусийлаштириш тўғрисида қонуни қабул қилинди.

2005 йилги сайловда партия мажбурияга учраб, парламентда бор-йўғи 75 ўринга эга бўлди. 2009 йили эса бу борадаги кўрсаткич 77 тага ташқил этди. Худди шу йили Европарламентга бўлиб ўтган сайловда СДП Португалия учун ажратилган 21 ўрининг 8 тасини эгаллади.

2011 йили Португалияда муодатидан олдин ўтказилган парламент сайловида СДП 2 145 452 (38,63 фоиз) овоз билан 105 депутатлик мандатига эга бўлди. Партия етакчиси Педро Пасуш Коэльо СДПнинг доимий иттифоқчиси бўлган Халқ партияси билан биргаликда тузилган коалицион ҳукуматни бошқара бошлади.

СДПнинг олий органи — Миллий съезд. Съездлар оралигида Миллий кенгашлар ўтказилиб турилади.

ни белгилаш, парламентни тарқатиб, янги ҳукуматни тайинлаш ва қонуларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

Португалия иқтисодиётининг бугунги кундаги энг муҳим муаммоси ташқи қарзлардир. Мамлакатнинг давлат қарзи 230 миллиард еврони ташкил этади, мутахассисларнинг таъкидлашча, уни 2045 йилга келибгина узиш мумкин. Камбағаллар ва ижтимоий химосизлар сонининг ортаётгани ҳам мамлакат учун ташвишли ҳол. Еврокомиссиянинг таъкидлашча, мамлакатда нечорликда яшаётганлар аҳолининг 28 фоизини ташкил қилади. 2010 йилда бу кўрсаткич 25,3 фоизга тенг эди.


Халқ ўз номзодини ташлади. Социал-демократик партия вакили мамлакат етакчисига айланди. Ҳўғри, Португалия олдида, март ойидан ўз вазифасига киришадиган янги президент олдида ечимини қутаётган муаммолар етарли. Аммо португал халқи унинг етакчиси мавжуд муаммоларни қансқа фурсат ичида бартараф этилишига ишонди.

Яшнар МҮМИНОВА, журналист

БАЛИҚ МОЙИНИНГ ФОЙДАСИ

Билган яхши

...Бугунги кунда аксарият кишилар балиқ мойини қадим даврлардан бери қўлланилиб келинаётган шифо воситаси деб билади. Ваҳоланки, бундай эмас.



Тарихий маълумотларга қараганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида норвегиялик дориншунос илк бор сотувга балиқ мойини чиқаради. Уша пайтларги треска балиқининг жигарида олинган янги маҳсулотнинг бозори кутилмаганда чакқон бўлиб кетган. Тез орада кўпчи мамлакатлардан ҳам харидорлар чиқа бошлаган.

Айниқса, 1909 йили Петербургда рус шифокори Шабат раҳит хасталигига учраган болани икки ой ичида айнан балиқ мойи ёрдамида даволаганидан сўнг маҳсулотнинг донни дунёга таралди. Жуда қисқа муддат ичида шимолий ўлкаларда тиббий мақсадлар учун саноат миқёсида балиқ мойи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг эътиборли томони, йиллар ўтгани сайин маҳсулотга бўлган талаб оша борди.

Бу бежиз эмас эди, албатта. Маълумки, болаларда учраб турадиган раҳит касаллигининг сабаби таанада D витаминининг етишмаслиғидир. Бу витамин эса бола танасида қуёш нури таъсирида пайдо бўлади. Шу сабабли ҳам бу хасталик иклими иссиқ тропик мамлакатларда деярли учрамайди. Бироқ олимлар Европанинг шимолӣ мамлакатлари бўлган Исландия, Норвегия, Данияда ҳам болалар раҳитни кам учрашини аниқлашган. Тадқиқотчилар бунинг сабаби билан кизиқишганда бу мамлакатлар аҳолиси дастурхонда ҳамини балиқ, биринчи навбатда, ёғли селдь, треска бўлганлигига эътибор қаратишган. Бу эса балиқ ёғи дегани.

Бир пайтлар бадбўй хидли балиқ ёғини истеъмол қилиш болалар учун ҳам, катталар учун ҳам машаққат бўлган. Аммо ниҳоят чиroyли қадокланган, хушбўй хидли балиқ ёғи дармондорилар кўринишини да бозорларимизга чиқди.

Мутахассислар кейинги йиллар ичида бу маҳсулотга нисбатан талаб дунё бўйича янада ошганлигини таъкидлашмоқда. Зеро, тажирибалар жараёнида балиқ мойида D витаминидан ташқари яна кўплаб фойдали микроэлементлар борлиги аниқланди. Булар: кальций, темир, бром, йод, марганец, магний. Энг асосийси эса, айнан балиқ мойида танамиз учун бениҳоя қимматли омега-3 ва омега-6 гуруҳидаги ёғли кислоталар катта миқдорда мавжуд.

Айниқса, сув хавзалари нисбатан тоза бўлган ис-ланд балиқлари ёғининг танамиз учун аҳамиятини сўз билан таърифлаш мумкин. У асаб ва юрак-қон томири тизими шаклланишида фаол иштирок этади, терига ижобий таъсир кўрсатади, қондаги холестерин миқдорини мўътадиллаштирилади, мия ва кўзни фойдали усунурлар билан таъминлайди, иммун тизимини мустақкамлайди ва ҳоказо. Шу сабабли ҳам мутахассислар инсоннинг соғлиғини химоя қилишда балиқ мойининг жуда катта аҳамиятига эга эканлигини бир овоздан эътироф этишади.

Мақсуд МАҚСУДОВ

Ташкилот ва юридик шахслар диққатига
"ADOLAT IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA" МЧЖ саҳифалаш ва дизайн учун компьютер жамланмасини пул ўтказиш йўли билан сотиб олишга тендер эълон қилади.
Телефон: 288-46-64 (144)



Фаровонликка йўналтирилган сармоялар

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиши, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшилланиши макроекономик мезонларнинг янада барқарорлашувига хизмат қилмоқда.

Республикада фаолият юритиб келаётган тижорат банклари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири — хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан, кичик бизнес вакилларининг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга бўлган талабни қондиришдан иборатдир. Бу борада «Асака» акциядорлик тижорат банкининг Шайхонтоҳур филиали ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилётган кредитларнинг муддати ундан фойдаланиш мақсадида мослаштирилган ҳолда белгиламоқда. Банк филиали томонидан ажратилётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёни харид қилишга, уларнинг моддий-техника базасини шакллантиришга, турли мини-технологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Банк филиали томонидан 2016 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳри иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлари ҳажми 71,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредитларнинг асосий қисмини узок муддатли кредитлар ташкил этади.

2015 йил мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жами 46,6 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Кредитлар Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламли кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришга хизмат қилиши ва қолаверса, мамлакат куч-қудратини оширишга муносиб улуш бўлиб қўшилиш баробарида ушбу сармоялар эвазига қўшимча қўллаб-қувватлаш бўлиб қўшилиш яратилиб, ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланишига хизмат қилмоқда.

Банк филиали томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 9,8 миллиард сўм, озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида 6,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

«Асака» банк республикадаги етакчи ва энг илгор банклардан бири саналади, — дейди «SIFCO INTERNATIONAL» МЧЖ раҳбари Баҳром Юсуфов. — Бизнинг корхона бир неча маротаба «Асака» банкнинг узок муддатли кредит ва лизинг хизматларидан фойдаланиб, корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, сифатли экспортчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда 35 та янги иш ўринлари яратишга муассар бўлди. Келгусидаги режаларимиз



ги ўринларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг келгусидаги ривожланиш жараёнига ўз ҳиссасини қўйиш мақсадида имтиёзли шартларда жами 4,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу орқали янги иш ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизларни, айниқса, ёшларни, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳал этилганлиги, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишига алоҳида таҳсинга сазовор.

Банк филиали томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 9,8 миллиард сўм, озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида 6,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

бундан-да юксак. Бунинг амалга оширишимизда «Асака» банк жамоаси бизни қўллаб-қувватлашга ишонамиз.

«Асака» банк фаолияти доимо барқарор ривожланиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз ва хорижда «Асака» банкка бўлган ишончнинг ошиб бораётганлигидан, банк фаолияти барқарорлигидан далолат беради. «Асака» банкда мижозларга хизмат кўрсатиш тезкор ва юқори даражада йўлга қўйилган, — дейди «BUILD TECH LEASING» МЧЖ раҳбари Шавакат Зоитова. — Биз ўзимизнинг молиявий масалаларимизни банк би-

барча имкониятлар мавжуд. «Асака» банкнинг Шайхонтоҳур филиали мутахассислари касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган турли анжуманлар ва тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилмоқда. Жумладан, Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежиди «Тадбиркор бўламан, юртимиз янада ривожланишига, халқимизни ҳаёти янада фаровон бўлишига ўз ҳиссасини қўша-

ман» мавзусида ўтказилган анжуманда битирувчиларга уларнинг бизнес режаларини ҳаётга татбиқ этиш учун молиявий кўмак бериш мақсадида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларига яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида «Асака» банкнинг Шайхонтоҳур филиалига мурожаат этдим, банк томонидан қисқа муддат ичида менга ўз фаолиятимни йўлга қўйиш учун имтиёзли шартларда кредит ажратилди, — дейди ёш тадбиркор Улуғбек Азимов. — Ҳозирги пайтда гофра қувурларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. «Асака» банкнинг хар томонлама мададини фаолиятимга муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам «Асака» банк ҳамкорлиги ва кўмагида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўйишни ният қилганман. Келажакдаги режаларимизни амалга оширишда «Асака» банк доимо менга ўхшаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ишонаман.

Мухтасар қилиб айтганда, «Асака» банкнинг Шайхонтоҳур филиали жамоаси жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ишларини янада жадаллаштириш, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган шiorга қатъий амал қилган ҳолда, тадбиркорликни янада ривожлантиришни ният қилган.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА, «Adolat» мухбири

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сўз мулкининг султони, улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан адабий кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

БҲЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Урганчдаги «Тўмарис издошлари» журналисти аёллар клубида кўп сонли адабиёт ихлосмандлари, адиблар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган «Айтур Навоий дарси ишк» деб номланган анжуман ҳам ана шу табаррук санага бағишланди.

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли болалар шоири О.Пўлат, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси К.Нуржон, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х.Ёқубова, вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Д.Бекжонова, «Тўмарис издошлари» журналисти аёллар клуби раҳбари Ш.Эшқонова ва бошқалар буюк мутафаккир мероси, «Хазойин ул-маоний» девони, «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» каби турли жанрларга оид мумтоз асарларнинг янги-янги ҳуқуқий ҳолатлари, баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, эстетик фазилатлари тўғрисида сўзлашди. Клубда унга аъзо бўлган энг истеъдодли ўғил ва қизлар шеърларидан сараланган «Ижод гулдастаси» альманаҳининг тақдими ҳам ўтказилди.

— Бу навқирон қаламкашларнинг шеърлари, хикоялари, эртақларидан иборат ушбу жамоат тўламини олтинчи марта юксак дидли китобларга етиб боришидир, — дейди «Адолат» СДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби З.Абдуллаева. — Буюк бобомиз «Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо», дейдилар бир қазалда. Озод, обод Ватанимиз эса бизга малакали меҳнат қилиш, эркин ижод билан шугулланиш, эзгулик яратиш имконини берди.

Хайтбек ҚҲЧҚОРОВ, «Adolat» мухбири

Ҳуқуқий маслаҳат

— Яқинда бир дўкондан телевизор харид қилган эдим. Уйга келган, овози вақтинча билан ўчиб қолаверди. Уни дўконга қайтариб олиб бердим. Сотувчи товарнинг нуқсонли эканигини аввал текшириш кераклигини айтди. Умуман, нуқсонли товар, деб қандай маҳсулотларга таъриф берилади?

Г.Саидхўжаева, Фарғона вилояти

— Товарнинг ишлаб чиқарилишидаги нуқсон бу товарга айниқса, махсус идиш ва ўрамда сотилган товарларда уни ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган, лекин оддий кўздан кечириш жараёнида аниқлашни имкони бўлмаган камчиликлар ҳисобланиб, товардаги бундай нуқсонлар у ишлаб чиқарилиб, сотувга топширилишидан олдин вужудга келган бўлиши керак. Ишлаб чиқарилиши давомида товарда вужудга келган камчилик (нуқсон)ни ишлаб чиқарувчи билан ёки билмаганлигидан қатъий назар, истеъмолчи олдидан жавобгардир.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонундан истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари тўғрисида етказилган мулкий жавобгарликни вужудга келтирувчи ҳолатлар ва бунинг натижасида қоплашни зарур бўлган оқибатлар назарда тутилган. Яъни, товарларнинг тузилиши, таркиби, ишлаб чиқарилиши ҳамда унинг бошқа жиҳатларидаги нуқсонлар учун жавобгарликни белгилайди.

Агар сиз харид қилган маҳсулотдан белгиланган қоидаларга амал қилмай фойдаланган ёки сақлаш бўлган, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) жавобгарликдан озод этилади.

Эркин ОРИПОВ, Олтириқ туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижро этувчи аппарати раиси

— Мамлакатимизда меҳнат муносабатларида камситишнинг таъқиқлангани тўғрисида кўп эштанман. Бу борадаги ҳуқуқим бузилган тақдирда қаерга мурожаат қилишимиз лозим?

М.Мирзоқидов, Жиззах вилояти

— Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Бу Меҳнат кодексининг 6-моддаси, биринчи қисмида назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг «Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида»ги 111-сонли (1985 й.) Конвенциясини ратификация қилган. Жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, этниқоқиди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятига ва улар меҳнатининг натижасига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклиш ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайдиган бўлар камситиш деб ҳисобланади. Меҳнат соҳасида ўзини камситилган, деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни ўндириб бериш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 9-моддасига биноан, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш, махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари ҳамда касоба уюшмалари томонидан амалга оширилади.

Ботиржон ШАҲРИЁРОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги давлат Меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи

AGROBANK

“Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги 2016 йил 1 февралда “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини “Барқарор” деб баҳолади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроил ҲАМРОЕВ
Тахрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖҲРАЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz
Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилади. Корхона маънафиди Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200. Адади — 11971 Босишга топшириш вақти — 21.55 Босишга топширилди — 22.45 Баҳоиси келишилган нархда

